



Газета 1930 йил 12 майдан  
чиқа бошлаган

О'ЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

# Postga

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 10 октябрь, пайшанба • 41 (3465)-сон



## ЖАҲАРИЙ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

ШВЕЦИЯДАН КЕЛГАН ХУШХАБАР САНЬАТ АКА ҲАМДА  
ЮЛДУЗХОН ОПАНИ БЕҲАД ҚУВОНТИРДИ

Милиция майори Санъат ака Мадраҳимов жажжи қизи Жавҳарийнинг спорту бўлган қизиқишини сезгач, уни Хоразм вилоят миллӣ каратэ федерацияси президенти X. Фатхутдинов раҳбарлик қилаётган каратэ клубига олиб борди. Қизчани жисмоний тайёргарлик синовидан ўтказган муррабий уни клубга қабул қилди.

Айни пайтда Жавҳарий Урганч шаҳридаги 27-максус мактабнинг 3-синфида таълим олиш билан бирга каратэ сирларини ҳам қунт билан ўрганмок-

да. Беш яшар Шоҳрӯман ҳам опасидек чемпион бўлиш орзусида.

Каратэ усуларидан воказиф бўлаётган Жавҳарий Мадраҳимова аввали ёшлар ўртасида ўтказилган вилоят мусобақасида қатнашиб, икки маҳората мутлақ ғолиб бўлди ва республика беллашувига йўлланма олди. Ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган республика баҳсида ҳам маҳоратини намойиш этиб, 3-үринни кўлга киритди. Шу йил 13-16 июнь кунлари Швецияда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўраяпти.

– Қизим Швецияга жўнаб кетишидан олдин 20 кун Тошкентда тайёргарлик кўрди, – дейди Янгиариқ тумани ИИБ бош-

онатида ғолиб чиқиб, олтин, кумуш ҳамда бронза медалларни қўлга киритди. Хуллас, жажжи “Барчинойимиз” жаҳон кезиб, мамлакатимиз шарафини химоя қилмоқда, кўплаб муҳлислар ортироқмодá.

Айни кунларда Жавҳарий Мадраҳимова шу йилнинг охирида Америкада бўлиб ўтадиган навбатдаги Жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўраяпти.

– Қизим Швецияга жўнаб кетишидан олдин 20 кун Тошкентда тайёргарлик кўрди, – дейди Янгиариқ тумани ИИБ бош-

лиги, милиция майори Санъат Мадраҳимов. – Унга каратэ бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионлари Илҳом Каримов, Отабек Қосимов ва Икром Каримовлар яқиндан ёрдам беришди. Айниқса, республика Миллӣ каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасовдек синчков, маҳорати раҳбарнинг эътиборидан ниҳоятда мамнунман.

**Х. ЖАББОРОВ.**  
Суратда: ёшлар ўртасида каратэ бўйича Жаҳон чемпиони Жавҳарий Мадраҳимова отаси билан.

**Ж. ҚОЗОҚ** олган сурат.

## ТАНЛОВ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Ҳурматли муштариylар!  
“Ўзбекистон Республикаси ИИВ фахрийси”  
хайрия фонди томонидан ўзлон қилинган “Милиция оқсоқоллари” очиқ адабий танловининг

муддати декабрь ойигача узайтирилди.  
Танлов натижалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида якунланади.

Ташкилий қўмита.

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ЧЕМПИОНАТ ИШТИРОКЧИСИ

Россиялик ҳамкасларимизнинг ташаббуси билан Москва шаҳрида ёнгин ўчириш ва қутқариш амалий спорти бўйича биринчи Жаҳон чемпионати ўтказилди.

Республикамида бу спорт турига катта эътибор берилиб, терма жамоамизнинг ҳалқаро мусобақаларда яхши кўрсаткичларга эришганлиги ҳамда жаҳондаги бошқа спортчиларга муносиб рақобати бўлишлари инобатга олиниб, ушбу чемпионатга юртимиз вакиллари ҳам таклиф этилди.

Чемпионатда Осиё ва Европанинг 19 мамлакатидан энг кучли спортчилардан тузилган терма жамоалар иштирок этид.

Мусобақаларни ёнгин ўчириш ва қутқариш ҳалқаро спорт федерацияси ва Россия Фавқулодда вазиятлар вазирилиги ташкиллаштириди. Чемпионат иштирокчилари Москва шаҳрининг “Динамо” ўйнгоҳида беллашдилар.

Биринчи куни спортчилар ўкув минорасининг 4-қаватини ишғол қилиш, иккичи куни тўсикли 100 метр масофани босиб ўтиш бўйича баҳлашди. Учинчи куни жанговар ёйилиш ва ёнгин ўчириш эстафетаси бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Ўкув минорасининг 4-қаватини ишғол қилиш бўйича россияликларни олишга сазовор бўлишди. Бу беллашувда бизнинг терма жамоамиздан Д. Гува Б. Дудниклар иштирок этиб, яхши кўрсаткичга эришдилар.

Беллашувларда спортчиларимиз чақонлиги, галаба қозонишига интилишлари боис жаҳоннинг энг кучли жамоалари орасида 8-үринни эгаллашди. Мусобақалардан сўнг ёнгин ўчириш ва қутқариш амалий спорти бўйича биринчи Жаҳон чемпионати доирасида Ҳалқаро спорт федерациясининг йилиши бўлиб ўтди. Бунда ёнгин ўчириш ва қутқариш ҳалқаро амалий спорт федерацияси таркиби жаҳоннинг 25 та давлати, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ёнгин ўчириш амалий спорти федерацияси ҳам қабул қилинди.

Д. ҚАМБАРОВ.

## ОБУНА – 2003 АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилигининг “Постда”, “На посту” газеталари ҳамда “Qalqon” ва “Щит” журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна “Матбуот тарқатувчи” ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жиноят қидируг хизмати воқеалари, терговчи хотирапари, суд очерклари қизиқсангиз нашрларимизга обуна бўлининг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. “Саломатлик”, “Ниҳол” каби руқиляримиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.



КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БўЛИШГА ШОШИЛИНГ.

**UCHINCHI** «Postga» gazetasining ilovasi  
+ **TV VOLAM**

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«ПОСТДА» – 180 (366)  
«НА ПОСТУ» – 169 (367)  
«QALQON» – 970 (1083)  
«ЩИТ» – 971 (1084)

# ЖАМОАТЧИЛИККА СУЯНГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

**Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари давлат ва халқ мулкининг дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилаётган жиноятларни ўз вақтида фош этиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.**

Олиб борилган тезкор-профилактик тадбирлар натижасида шу йилнинг 9 ойи мобайнида жиноятлар анча камайди.

Бу рақамлар остида ҳар бир хизмат ходимларининг саъй-ҳаракатлари, файрат-шижоати ётганини англаб олиш қийин эмас. Бизда битта яхши одат бор: жиноят, айниқса унинг оғир тури содир этилса бошқарма бошлиғидан тортиб, оддий ходимгача – ҳамма оёқка туради. Жиноят очилиб, айбор топил-

магунча ҳеч ким тиним билмайди.

Шу йил 23 марта куни Қувасой шаҳри Пакана қишлоғидан оқиб ўтувчи ариқдан номаълум аёл кишининг бўғиб ўлдирилган ҳолдаги жасади тошилди. Ходимларимиз қисқа фурсат ичида аёлнинг шахсини аниқлашди. У Қиргули туманида яшовчи, руҳий касал, 1974 йилда туғилган X. Зуҳра бўлиб чиқди. Кенг қамровли тезкор тадбирлар натижасида мазкур жиноят 6 кун мобайнида алоҳида эътибор бераяпмиз. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари гиёхвандлик моддалари тартиби таъминланнишига қарши курашда вилоят ҳоқимлиги раҳбарлигига, ҳукуктартибот идоралари билан узвий ҳамкорликда кескин кураш олиб боришмоқда. Доимий

Биз Республика ИИВ ҳайъати йигилишида тилга олинган камчиликларни бартараф этиш билан бирга жиноятларни ўз вақтида очиш, юз бериши мумкин бўлган оғир турларининг олдини олишга

**● Кўқонлик икки ҳамтовор – Э. ва С. Абу Тойиб Ҳуқандий мавзесида яшовчи А. Эргашевнинг уйида йўқлигидан фойдаланиб, хонадонидан 250 минг сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетишиди. Кўқон милициясининг саъй-ҳаракати туфайли ўғрилар кўлга олинди.**

равиша тезкор тадбирлар ўтказилаяпти.

2002 йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят худудида гиёхвандлик моддалари билан бошлиқ 514 та жиноят қайд этилди. Жиноятчилардан 28 килодан ортиқ гиёхвандлик моддалари олинди. Ўтказилган тадбирларнинг бирида Фарғона шаҳрида яшовчи K. Ҳамид жиноят шериги билан 100 грамм героинни бир миллион сўмга сотаётган пайтда ушланди. Охунбобоев тумани

Эшонгузар қишлоғида яшовчи R. Авазбек магилонлик Т. Жамолхон билан 470 грамм опийни 2 минг АҚШ доллара

ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхтабиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда ҳушёрлик, огоҳ бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчига айланмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда конституциявий тузумга зид бўлган гояларни тарғиб қилишга уринаётган диний-экстремистик оқимлар тарафдорлари, терроризмга қарши курашда кенг жамоатчилик ва ички ишлар идорала-

ри ходимларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Фурсатдан фойдаланиб вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият

**ФАРҒОНА  
ВИЛОЯТИ**



тинч ҳаёт кечиришларини таъминлаш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошироқдалар.

Ха, ҳалқимиз оқ билан қорани ажратада олади. Ҳамюрларимиз изнинг ўз мамлакати таракқиёти, осуда ҳаётни кўролмаётган

шахсларга нисбатан нафрат кўзи билан қараб; уларга қарши курашда бор куч-ғайратларини аяшмаётгани қувончли ҳолдир. Шунинг ўзи фуқароларнинг ҳукуқий савијаси ўсиб бораётгани, юртимиз келажагига бефарқ эмасликларидан далолат бераб туриди. Ҳалқимиз билан ички ишлар ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораверади.

**З. ПОЗИЛОВ,  
вилоят ИИБ ЖК ва  
ТҚКБ бошлигининг  
биринчи ўринбосари,  
милиция подполковниги.**

## ОСОЙИШТАЛИККА МАСЪУЛИЗ

**Вилоят ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Рустам Абдуллаев соҳада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида куйидагиларни гапириб берди.**

– Республика ички ишлар идораларида ўтказилётган ислоҳотлар натижасида бошқармамиз тизимида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, милиционерлар сони кўпайтирилиб, фаолияти мувофиқластирилди. Фарғона ва Кўқон шаҳарларида 2 та патруль-пост хизмати бўлинмаси ташкил этилди. Штат бирликлари сабиқ жанговар ҳаракатдаги гуруҳларнинг милиционерлари хисобидан тўлдирилиб, ўқув машрутлари ўтказилди.

Олдимизга қўйилган асосий мақсад – жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашди. Буни ётиборга олиб эндиликла хизмат аввалгидек фақат кўча ва жамоат жойларида эмас, маҳаллалар, кўп



Автопатруллар хизматга йўл олишмоқда.

зонд” русумли телевизорини ўғирлашгани ва 92 минг сўмлик моддий зарар етказишганини маълум қилди. Олиб борилган тезкор-қидиривлар натижасида милиция сержантлари M. Йўлдошев ва X. Каримовлар Қиргули тумани Широтная кўчасида яшовчи Y. Fайратни далилий ашё билан ушлассиди.

ППХ ходимлари томонидан 3780 нафар шахслар жамоат жойларида мааст ҳолда юрганилиги учун тиббий ёрдам пунктларига топширилди. Зоро, мааст одамларнинг кўча-кўйларда қолиб кетиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Яна бир қувончли тоғони, ППХ бўлинмалари хизматда фойдаланиш учун 60 та автотранспорт ажратилди. Эскирган машиналарни таъмирлашга Қувасой шаҳар “Файз” хиссадорлик жамияти 750 минг, “Қувасойцемент” хиссадорлик жамияти 900 минг сўм миқдорда пул ажратиб, ҳомийлик кўрсатди.

Ҳозирги кунда ППХ ходимлари юз фоиз янгиий-бош билан таъминланган. Ички ишлар вазирлиги томонидан 5 та “Нексия”, 2 та “УАЗ”, 1 та “Дамас” автомашинаси, 50 та кўн радиостанциялари ажратилди.

Ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Патруль-пост хизмати бўлинмаси милиционери X. Мусаевнинг “Жасорат” медали билан тақдирланганни ходимларимиз руҳиятини кўтариб юборди.

Милициянинг жанговар гуруҳи саналмиси ППХ бўлинмалари зарур пайтда исталган жойга ёрдамга етиб бориши билан бошқа хизматлардан ажратиб турди. Ҳозирда уларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигига алоҳида аҳамият бераяпмиз.

Ходимларимиз вилоятда ўтказилаётган барча оммавий тадбирларда фаролик кўрсатиб, осойишталикини таъминловчи катта ку сифатида ўзларини намоён этишмоқда.

**Ушбу саҳифа материалларини М. КИМСАНБОЕВ ва Б. ОМОНЗОДАлар тайёрлашди.**

Пахта – 2002

**Мамлакатимиз далаларида пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йигиб олиш қизгин давом этмоқда. Бугун ички ишлар ходимлари ҳам пахтакорларга мададкор. Улар пахтакорларнинг хавфсизлигини асрар, ёнғинларнинг, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида астойдил хизмат қилмоқдалар.**

## ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг пахта ҳосилини йигиб олишини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақидаги қарори ва вазирликнинг бу борадаги режаси талабларини бажариш учун астойдил ҳаракат қилияпмиз, — дейди Бухоро вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция майори Р. Камолов. — Пахта далаларида саксон мингга яқин пахтакор ва ҳашарчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг хавфсизлиги, мавсумнинг беталафот ўтишини таъминлаш асосий вазифамиздир. Ҳосилни хирмонлардан пахта пунктларига ташиш ва теримчиларга хизмат қилиши учун ўнлаб транспорт воситалари, тиркамалар ажратилган. Ҳайдовчилардан ҳар куни ишга чиқишидан олдин ўзларига биркитилган транспорт воситаларининг техник ҳолатини ҳар томонлама текширишни талаб қиласми. Бундан ташқари уларда бирламчи ўт ўчириш воситалари ҳамда тиббий кутичалар доим шай туриши таъминланган. Ҳашарчиларга хизмат қилувчи транспорт воситаларига маҳсус ёзувлар битилган. Бундай транспортларга меъёридан ортиқ одам олмаслиги, ҳайдовчиларнинг доимий тиббий кўриқдан ўтиши, тақиқланган йўллардан юрмаслиги назорат қилиниб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

— Йил бошидан бўён тракторлар билан боғлиқ бир неча йўл-транспорт ҳодисаси юз берганди, — дейди ЙХХБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Д. Раҳмонкулов. — Транспорт воситалари, айниқса трактор ҳайдовчилари билан олиб бораётган тадбирларимиз: транспорт воситаларининг техник ҳолати, ҳайдовчиларнинг саломатлигини ҳар куни назорат қилиб турганимиз боис мавсум бошидан бўён бирорта йўл-транспорт ҳодисаси юз бергани йўқ.

**Т. МУРОДОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

## «ЁНГИН» БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

**Яқинда Богот пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятida йигим-терим мавсумида ёнғин чиқишининг олдини олиш ва уни бартараф этишга бағишиланган навбатдаги ўкув-амалий машгулот бўлиб ўтди.**

Туман ИИБ ЁХБ ходимлари ҳиссадорлик жамиятининг ёнғинга қарши кураш гуруҳи билан ҳамкорликда ўтказган бу тадбир корхона хом ашё омборида пайдо бўлган “ёнғин”ни бартараф этишдан бошланди. Юқори касб маҳоратига эга бўлган ўт ўчирувчилар зиммаларидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилишди. Бир неча дақиқалар ичиде оғат бартараф этилди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан ҳаракатдаги штабга пахта сақлаш фармларида “ёнғин” чиққанлиги ҳақида хабар келди. Корхона ўт ўчирувчилари ва туман ИИБ ЁХБ ходимларининг ҳамкорликда қилган ҳаракат самарали якунланди.

Машгулотда кузатувчи сифатида иштирок этган вилоят ИИБ ЁХБ штаби ёнғинни ўчириш гуруҳи бошлиғи, ички хизмат майори А. Раҳимов хизмат автомашиналарининг жанговар ҳолати ҳамда ўт ўчирувчилар маҳоратига юқори баҳо берди.

Ўкув-амалий машгулотни туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат капитани Ш. Раҳматов бошқариб борди.

**Х. ЖАББОРОВ.**



**Суратда: Богот туман ИИБ ЁХБ бошлиғи ички хизмат капитани Ш. Раҳматов тушунтириши ишларини олиб бораётти.**

**Ж. ҚОЗОҚ олган суратлар.**

### Профилактика

Андижон вилоятида жами 968 та ўзини ўзи бошқариш органдари мавжуд бўлиб, уларнинг 868 таси маҳалла, 100 таси қишлоқ ва овлу фуқаролар йигинларидан иборат. Бу жойларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва айрим муаммолар ечимини маҳалланинг ўзида топиш, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг иш билан бандлигини

ва профилактик ҳисобда турган вояга стмаган ёшларга спортнинг каратэ тури бўйича машгулот олиб бормоқда.

Асака шаҳрининг “Асака” маҳалласида профилактика инспектори, милиция лейтенанти И. Мамадалиев милиция таянч пункти қошидаги спорт майдончасида ўсмирлар ва ёшлар учун спортнинг бокс тури бўйича тўғарак ташкил этган.

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

таъминлаш масалалари каби яхши ишлар йўлга кўйилган.

Жумладан, Кўргонтепа туманинаги мавжуд 12 та милиция таянч пунктларида барча шарт-шароитлар яратилган. Мазкур масканларнинг аксарияти маҳалла гузарларида қад ростлаган ёки гузарга яқин жойларда жойлашган бўлиб, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ишни ташкил этиш имконияти мавжуд.

Тумандаги Собир Раҳимовномли маҳалла профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Т. Мамадиев милиция таянч пункти биносида жойлашган спорт залида ҳуқуқбизарликлар содир этиши мумкин бўлган

маҳаллалarda бекор юрган ёшларни иш билан таъминлаш маҳалла гузарларида кичик бизнесни ривожлантириш, яъни дурдгорлик, миллий ҳунармандчилик, кийим бичиши-тишиш цехлари ва бошқа кичик корхоналар очиш мақсадга мувофиқ. Шуни назарда тутиб вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги кўплаб маҳаллалар гузарларида кичик бизнес тармоқлари ва тадбиркорлик мажмуналарини вужудга келтириш ниятида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

**У. САЛИМОВ,**  
милиция подполковниги.

### ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## «ОҚ КУКУН»НИНГ КОРА ИШИ

Кейинги вақтда гиёхвандлик балоси кўпгина ўшларни ўз домига тортиб бораётгани ачинарли. Бироқ бирорнинг дарди баъзиларга қувонч келтиради шекилли. Айниқса, бу “оғат”ни ўзига юқтириб олганларнинг “ҳожатини” чиқариб, мўмайгина пул топмоқчи бўлганлар турли найранлар билан гиёхвандлик моддаларини сақлаш, тарқатиш ва сотиш билан шугуланишмоқда. Сирдарё вилояти Холос шаҳрида яшовчи Р. Мамадалиев ва янгиерлик Э. Охунловларга 1 килограмм героинни пуллаш дарди тинчлик бермасди. Улар ўйлаган режаларини амалга ошириш мақсадида ўзаро жинойи тил биринчириб молларига “мижоз” қидира бошлайдилар. Бироқ ниятларига эриша олишмади. Бунга милиция ходимлари халақит беришади. Мирзаобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида оғуфурушлар 1 килограмм героинни 4000 АҚШ долларига сотаётган вақтларида ушландилар.

Текширувлар натижасида улардан олинган “оқ, куқун” героин эканлиги тўлиқ тасдигини топди. Ҳайриятки, уни қора қилимешларни содир этмасданоқ милиция ходимлари мусодара қилишди.

Шунингдек, Юқоричирчиқ тумани ички ишлар бўлимига келиб тушган хабарга кўра “Дўстлик” ширкат ҳуқаликни яшовчи О. Тожибоевнинг ўйи холислар иштирокида кўздан кечирилганида усталик билан яшириб кўйилган 3 килограмму 520 грамм кўкнори ва 1 килограмму 370 грамм марихуана топиб олинди.

### БОСҚИНЧИЛАР

Тошкент шаҳар Мирзо Улубек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида босқинчилек йўли билан ўзгаларнинг мол-мулкини эгалаб олмоқчи бўлган шахслар кўлга олинди. Кўр кўрни қоронгуда топади, деганларидек улар ҳам пойтахтимизнинг турли жойларида истиқомат қилишларига қарамай бирбириларни жуда осон топишган. Юнусобод туманилик М. F. марказда яшовчи Ж. Ф. Ў. М. ва кўйлиқлик А. Клар “Мини маркет ТАТА” дўкони олдида жиззахлик 37 ёшли Т. Ўровонинг олдига келиши.

— Пулдан чўз! Бўлмаса кунингни кўрасан! — деди зўравонлардан бири.

Мехмон уларга яхши гапириб, босиқлик қилди. Бироқ фойдаси бўлмади. Кутурганларнинг кўлидан осонликча кутулиш мушкул эди. Тўртловон уни турта бошлашди. Ахири Т. Ўровонни темир жисм билан бир-икки туртклиб, кўрқитмоқчи бўлиши. Мехмон эса бўйин эшишга биринчи томондан йигитлик гурури йўл қўймаси, иккинчидан сумкасида анча пул бор эди. Зўравонлар уни уриб, ичиди 4500 АҚШ доллари бўлган сумкасини олиб кетадилар. Т. Ўровон калтакнинг зарбидан бошини ушлаганча келиб туман ИИБ ходимларини воқеадан хабардор қиласди. Шундан сўнг олиб борилган тезкор тадбирлар жараёнида босқинчилек зўравонлар кўлга олинди.

**Шерали АНВАРОВ,**  
милиция лейтенанти.

**Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида пахта штаби узлуксиз ишлаб турибди. Бу ерга ҳар куни жойлардан зарур маълумотлар етказилиб, таҳлил этиб бориласи.**

## ТАЛАФОТГА ЙЎЛ ЙЎК

Вилоядага ҳуқуқбизарликларга оид ҳолатлар аниқланаби, айборларга тегишили чоралар кўрилмоқда. Кува тумани Янги қишлоғида яшовчи А. Абдумаликовнинг 4 баш қорамоли 0,2-га ер майдонини пайхон қилганлиги учун унга туман суди томонидан 1850 сўм миқдорда жарима солинди. Афсуски, бу каби мисоллар оз бўлса-да, учраб турибди. Бувайда тумани Камар қишлоғилик Ж. Матқулов, Додҳо қишлоғилик В. Маҳмудов, Риштон тумани Мөҳнатобод қишлоғилик М. Мамадиев, Оқ олтин қишлоғилик М. Позилов, Тўда қишлоғилик Д. Отабоев, Бағдод тумани Михчагар қишлоғида яшовчи Ш. Полвонон ва яна бир неча фуқаро чорва молларига қарамай пайхонгарчиликка йўл қўйишгани маълум бўлди.

**М. ХУДОЙНАЗАРОВ,**  
милиция подполковниги.

## Жиноят ва жазо

# ЖОҲИЛ КҮЁВ

**Доимо ўзини омадсиздек ҳис қилиб юргани учунми, Толиб (исмлар ўзгаририлган) хотини билан бўлар-бўлмасга жанжал қилаверарди. Бундан безор бўлган турмуш ўртоги Умидга "сени худога солдим", деб жавраганча уч боласини олиб, онасиникига кетди.**

Уйда 4-5 кун ёлғиз қолиб зерикан Толиб музлатгичдаги ароқни олди-да, 2-3 пиёла симириди. Шундан сўнг хаёлига болаларини кўриш истаги келиб қайнонасиникига боришига қарор қилди.

Қайнона-кўёв ҳол-ахвол сўрашишгача, Умидга ҳакида анчагина тортишдилар. Қайниси Самадбек опасининг ёнини олиши кўёвтўрани ранжитди, лекин билдирамди. Пешонаси тиришиб, "юнинг, эллик-эллик қилиб келамиз" деб кўчага таклиф этди.



Почча лом-мим демай гапларини тинглаб келаётган қайниги бир тикилди-да:

— Тўғрисини айт, ҳозир Умидга каерда? — деб сўради.

Самадбек бир из каловланиб, босиқлик билан: "Берган азобларингиз жуда жонидан ўтиб кетган шекилли, сизни милицияга айтибди. Шундан хабар олгани кетди", дейа жавоб берди.

Бу Толиб учун кутилмаган зарба бўлди. Чунки у яна бир бор қамалишни хоҳламасди. Миясида нималарни дир режалаштириб олди-да, вақтни ўтказмай такси

тўхтатди. Самадбек поччасининг бирдан ўйга толиб қолганидан ҳайрон қолди. Ўйга етиб келишгач, Толиб қайнисини ёлғиз қолдириб, ўзи бошқа хонага чиқиб кетди. Унинг ортидан борган Самад не кўз билан кўрсинки, Толиб ўз ўйига ўт кўяётган эди. Самадбек Толибинг қаршилигига қарамай оловни ўчириша ҳаракат қилди. Аммо поччаси қаердандир болта топиб келиб, Самадга ташланди, лекин у қочиб қолди. Кўзи қонга тўлган Толиб Самадбекка яна кезланди. Эпчиллик қилиб бунисига ҳам чап бера олган Самад қочиб кўчага чиқди. Аламига чида олмаган Толиб "Ҳали сенларнами..." деб қайнонасиникига йўл олди. Болтани кўтариб борар экан, қоракўз болалари ва қайнонасининг кўчага чиқиб турганини кўриб, ниятига етишини ўйлаб сунонди. Сарви яянинг орқасидан келиб бош ва бўйин қисмларига бир неча маротаба болта билан урди. Ерга йиқилиб қолган қайнонасини "энди чопиб ташлайман", деб турганида қайниси Самадбек ва кўшнилари болтани тортиб олиши. Сарви ая оғир ахволда касалхонага ётқизилди.

Ҳаёт жаҳлига эрк бериб, ўйламасдан инсонларнинг ҳәтига қилинган тажовуз оқибати ҳамиша ана шундай аянчли тугаган. Бундан бадтар бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин унда ким ютади? Ҳаёт эса бу каби мудҳиш воқеаларсиз чиройли ва давомли эмасми?! Унинг қадрига етгандаргина тинч ва осойишта яшай оладилар, эл орасида яхши ном қолдирадилар.

**С. ҚОСИМОВ.**  
Тошкент шаҳри.

## «01» огоҳлантиради

# АВТОМОБИЛНИ ЁНГИНДАН САҚЛАНГ!

**Техника асрида яшап-миз. Айниқса, машиналарнинг тури ва саноғига етиб бўлмайди, улар кун сайин кўпайиб бормокда. Бу яхши албатта. Бироқ оғиримизни енгил, узогимизни яқин қилаётган беминнат кўмакчиларимизга эътибор ҳам керак.**

Айрим кишилар шахсий машиналари устига чанг юқтирилмайдилар. Ағфуски, машина бўлгач, уни фақат ҳайдаш ва ишлатиш керак, деб вақтида устага кўрсатмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бундай эътиборсизлик, бир куни йўлда кетаётган вақтида тўхтаб қолиши ёки бошқа бир кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Навоний вилояти Учқудук шаҳридан 60 чақирим узоқликда "ЗИЛ-130" русумли автомашинанинг двигатели тагига тўклилиб, йиғилиб қолган ёнгингин алгангалини натижасида ёнгин содир бўлиб, машина тўлиқ ёниб кетган.

Айрим ҳолларда ҳайдовчилар машинани таъмилаш пайтида амал қилиши керак бўлган қоидаларни унтиб кўйишади. Бухоро вилояти Ф. Хўжаев туманини яшовчи фуқаро Ю. Камол "КамАЗ" русумли автомашинанинг ёнилиги бакини таъмилрай бошлайди. Пайвандлаш мосламасини бакка яқинлаштирганда унда сақланиб қолган ёнилғига чўғ тушиб портлаш ҳосил бўлади. Натижада ҳайдовчининг бутун бадани кўйиб касалхонага ётқизилди.

Янгикўрон туманини Салоҳиддин мотоциклга ёнилғи кўйиш вақтида ўз хавфсизлигини ўйламасдан сигарет чекади. Сигаретнинг кули эса эгидаги кийимга сачраган бензинни ёндириб юборади. Оқибатда Салоҳиддин кўйиш тан жароҳати олади.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ҳакида тарифбот-ташвиқотлар олиб бориляёттанига қарамай айрим фуқаролар ўз билганларича иш тутишияти. Бу эса кўнгилсиз воқеаларга олиб келмоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳамда машинанингизда ёнгин ўчириг чилиб юришини унутманг!

**Д. ҚАМБАРОВ,**  
иҷчи хизмат катта лейтенанти.

# ШАЙТОНВАЧЧАЛАР

Одатда шайтон йўлидан оздирган кишилар ножӯя ҳаракатларни содир этишга мойил бўлар эканлар. Уларнинг бутун фикру ёди салбий жиҳатлар билан қоришиб кетармиш. Аслида ҳам шундай. Баъзи ўртошларимизнинг қўлмишлари ҳақида ўйлаб шундай холосага келаман.

Асли ж аолқудуқлик, бироқ Андижон шаҳридаги кўп қаватлийи уйлардан бирида истиқомат қилувчи, муқаддам сулланган Андрей Семёнов (исмлар ўзгаририлган) бирор фойдали меҳнат билан шугулланиши истамади. Атрофига ўзига ўхшаш бекорчилини йигиб, кайфу сафони одат қилди. Лекин бунинг учун пул керак.

Андрей бу сафар ҳамтовоқлари билан ошхонада учрашиди. Б. Акбаров, К. Эрматов ва О. Умматалиев билан бирга овқатланди, ароқ ичди. Сўнгра ҳаммалари маслаҳатни бир жойга кўйиб, такси ёлламоқчи бўлдилар. Н. Йўлчиев "Тико" автомашинасида киракашлик қиласди. Қаршисида кўл кўтариб турган тўрт йигитни кўриб, дарҳол тўхтади.

— Ака, 2-Андижон темир йўл станциясигача олиб бориб кўйинг, — илтимос қилиши улар.

— Бажонидил, — рози бўлди Нозимжон.

Нозимжон йўлга тушган заҳоти йигитларнинг маст эканлигини сезди. "Начора, манзил яқин. Бир зумда етиб оламиз", — ўйлади у. Бироқ йигитлар дабдурустдан ҳужумга ўта бошлаши.

— Машинани тезроқ ҳайда! — буюриди улардан бири.

— Тезроқ ҳайдамасанг жонингдан умидингни уз! — биқинига пичоқтиради Андрей.

Нозимжон вазиятни тушунди. Бирор чорасини топиш керак. Аввалига ялиниб кўрди. Фойдаси бўлмади. Кейин машинани одамлар гавжумроқ жойда тўхтатди-да, эпчиллик билан ўзини ташқарига отди. Йигитлар саросимага туши қолдилар. Чунки Нозимжон милицияга хабар бериши аниқ эди. Тўрт ҳамтовоқ машинадаги қўймати 19000 сўм бўлган буюмларни олиб, бошқа машинага ўтириши. Нозимжон такси ёллаб, изма-из пойлаб борди. Улар қай бир макондан паноҳ топишганини аниқ билгач, ички ишлар бўлимига хабар берди. Бу ёғи энди ўзингизга аён.

Яқинда суд уларга нисбатан тегишли жазо қўллади. Орамизда ана шундай шайтонваччалар пайини қирқадиган кишилар кўплиги қувончилидир.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**

# ТАМАДДИХОНАДАГИ ТЎҚНАШУВ

— Бу бошқа гап, сен энди ўзингга ўхшаяпсан, — дейа унга ароқ узатди Содик.

Улфатчилик қизиди. Яхшиги на маст бўлган йигитлар кўчада шер бўлиб боришиади. Қаҳрамон Шавкатга нимадир демокри бўлиб, елкасига турти, у гандираклаб бориб дарахтга урилди. Буни кўрган Содиконинг жаҳли чиқиб Қаҳрамонни бир тепди.

— Нега тепасан, мен унга бир гап айтмоқиман, — деди Қаҳрамон сўкиниб.

— Ҳали мени сўқалиған бўлдингми? — деди Содик Қаҳрамонни яна бир тепди.

— Жанжаллашманинг акалар, уйга кета қоламиз, — деди ўсмир.

— Сен шумтака аралашма, — дейа Қаҳрамон уни туртиб юборди.

— Зўравон бўлиб кетибсану, — дейа Содик Шавкатга ёпишиди.

— Узини ўнглаб олган Шавкат ёрдамга келди. Иккөвлон Қаҳрамонни тепкилай кетишиди. Вояга

етмаган Шаҳзод ҳам четда қолмади. Уч киши йигитни ҳушидан кетгунча аёвсиз қалтаклаши.

“Мехрибон” дўстлар ёшлидан бирга ўшишган, четдан қарагандан улар бир майизни тенг бўлиб сидиганлардан эди. Ичкилик касофати, мастилик оқибатида рўй берган ваҳшийлик туфайли икки йигит ва бир ўсмир айни гуркиранг онларини сим ортида ўтказадиган бўлди. Спиртили ичимликларнинг зиён-захмати ҳақида кўп гапирилди. Аммо бу насиҳати нега қулоқ осмаймиз? Бугун айни шу ҳақда чукурроқ ўйлаб кўрсанк фойдалан холи бўлмайди. Ана шунда юқорида сизга ҳикоя қилган мудҳиш воқеаларнинг олдини олган бўлардик.

**Б. СОДИКОВ,**  
милиция капитани.  
Олмалик шаҳри.

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Пешку тумани "Янгибод" жамоа хўжалигидаги "Малгиж" қишлоғига яшовчи Уткир Нарзиев мотоциклда уйига келса, божаси Салом ун йўқлаб турган экан.

— Ие, келинг, келинг, божа, қадамларига ҳасанот! бу оқиом бир отамлашарканмиз-да, — дейа у мөхмон билан куюк сўраши.

— Шу кечга иккакалмиз бизнинг ерларни биргалашиб сугорсанк, гангир-гунгир қилиб дегандай!

— Майли, бош устига...

Оқшом пайти Уткир Нарзиевнинг мотоциклни техник носоз ҳолатда, ҳайдовчилек хуқуқини берувчи гувоҳномасида бошқарганлиги ва лоқайдиги, эътиборсизлиги эҳтиётсизлиги сабабидир. У бепарво қимлаганида Саломнинг айни қирчиллама йигитлик ёшида гулдек умри хазон бўлмасди. Узи тан жароҳати туфайли жабланмасди. Мархумнинг юрак-багри қонга тўлиб, турмуш ўртоги Зебо Амонова зор қақшаб қолмасди.

Фуқаро Уткир Нарзиев суд ҳукми билан айборд леб топилиб, уч йил муддатта озодликдан маҳрум этилди.

**М. РЎЗИЕВ,**  
Пешку туманинг шаҳари бўйича суди раиси.

**Л. МАНСУРОВА,**  
журналист.

# УЧИНЧИ

+ **TV VOLAM**

«Носинга»  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

## КАМИКАДЗЕ БИЛАН УЧРАШУВ

**Душанба куни Лондонда-  
ги Империя ҳарбий музейи-  
да Хиширо Наемура билан  
учрашув бўлиб ўтди. У япо-  
ниялик учувчи-камикадзе-  
лар отрядининг бугунги кун-  
гача ҳаёт бўлган нодир ва-  
килидир.**

1944 йили Гитлер Германияни-  
нинг ўзи эса тинимиз чекинарди.  
Уруш бошида Жануби-шарқий  
Осиёнинг жуда катта қисмини  
босиб олган Япониянинг ҳам  
аҳволи оғирлаша бошлади.  
Кўмондонлик Тинч океанидаги  
оролларни кўлдан чиқармаслик  
учун ҳар қандай ишга тайёр эди.  
Шошилинч чора сифатида учув-  
чи-камикадзелар ўйлаб топилди.


“Камикадзе” сўзи япончадан  
ўйрганда “илохий шамол” маъ-  
носини англатади. Ўтра асрларда  
бир тўфон кўтарилиб, Японияни  
мўғуллар босқинидан асраб  
қолган эди. Ўлимга тик борадиган  
учувчиларни ҳам шараф учун  
аша шу тўфон номи билан “камикадзе” деб аташди.

Кўмондонлик вакиллари Япо-  
ния императорига ўз режасини  
баён қилди. Океанда Буюк Брита-  
ния ва АҚШ ҳарбий кемалари ус-  
тига ҳақиқий бўрун ёпирладиган  
бўлди. Бу самолётларни тўхтатиб  
коладиган куннинг ўзи йўқ эди.

Камикадзелар биттагина ҳар-  
бий парвозни амалга оширади.  
Портловчи модда тўлдирилган  
самолёт билан кемага урилиб, ўзи  
билан кўшиб рақибнинг дengizchi-


ларину кемасини ҳам олиб  
кетарди. Лекин бу хийла  
яхши иш бермаган. Тарих-  
чи Алберт Аксенлинг таъкидлаши-  
ча, камикадзеларнинг 20 фоизига  
аксилгитлер коалициясининг  
ҳаво зарбаларини ёриб ўта олган.

“Улар бирорта ҳам йирик кема,  
бирорта ҳам авиабардорни  
чўқтира олмаган. Лекин давлат  
даражасида бунчалик ўзини кур-  
бон қилиш тактикаси биринчи  
марта амалга оширилган эди. Та-  
биики иттифоқилар ҳайрат ва  
даҳшатга тушиб қолди”, дейди  
тарихчи.



Камикадзе отрядларига минг-  
лаб япон ийгитлари келарди. Бун-  
га уларни нима мажбур этган?  
Ёдингизда бўлса, Япония ўз-ўзини  
ўлдириувчилар сони бўйича  
бирилди. Ўринда туради. Ҳозир  
ҳам йилига 30 минг одам ўз жонига  
қасад қилади. Демак, ками-  
кадзелар сафига кириш японлар  
учун шараф бўлган. Чунки азал-  
дан самурайлар орасида мамлакат  
ва император учун жон бериш  
катта шараф эди.

Япон тарихчиси Хидеаки Касе  
архивларни титиб, камикадзелар  
жангга тайёрланиши ҳақидаги  
китобни топиб олди. Унда бундай  
денилади: “Тасаввур қилингки,  
сиз нишон олдида. Иккич  
метр қолган. Палубадаги майдан



мични ҳам кўриб турибисиз.  
Сўнгги сониялар... Кўзингизга  
онангиз кўринади. Йўқ, у ўйгла-  
ётгани йўқ. Ҳурсанд. Кейин эса  
майин овозни эшитасиз. Ҳудди  
биллур вазани синдиригандек  
бўласиз. Шунда шод руҳингиз ос-  
мону фалакка учеб кетади”.

82 ёшли Хиширо Наемура  
ҳозиргача яшаб келаётган камикад-  
зелардан бири. 1945 йили у  
кўнгилли равишда отрядга  
қўшилди. Лекин кўмондонлик унга  
парвозга руҳсат бермади. Хиширо  
Наемура кемани белгиланган  
йўлдан тўғри ва ҳавф-хатарсиз  
юргизиш ва техника бўйича ин-  
струментлик қилди. “АҚШ томони  
ҳавода устуник қиласди. Парвоздан  
омон қайтиш жуда мушкул  
эди. Камикадзе эса нима учун  
ҳалок бўлаётганини яхши билар-  
ди”, дейди у.

Ўнинг айтишича, 1944 йили Ха-  
жиме Фужи исмли ийгит ҳам ёзи-  
лишга келган. Лекин уни қатъий  
қабул қилишмаган экан. Камикад-  
зелар сафига оиласилар олинма-  
ган. Бир неча кундан кейин эса  
Хажиме Фужининг рафиқаси бо-  
лаларини ўлдириб, ўз жонига ҳам  
қасад қилади. Улими олдидан ёз-  
ган хатида “эримга шарафли мис-  
сияни бажаришда халал бергим  
келмади”, деган. Ҳукумат уруш охи-  
ригача бу воқеани сир сақлади.

Ҳозирги японлар шундай ишга  
қодирми, деган табиии саволга 25  
ёшли тарихчи Мако Сасаки кү-  
йидагича жавоб берди: “Йўқ. Ҳозир-  
ги авлод, ўзини курбон қилиш  
ҳақида ўйламай қўйган. Уруш ҳақида  
ҳам ўйламаймиз... Мамлакат алла-  
қачон ўзгариб кетган”.

## ҚИРОЛИЧА ХОККЕЙ МАЙДОНИДА



**Буюк Британия қироличаси Елизавета II тахта ўтирганининг 50 йиллиги муносабати билан Канадага ташрифини давом эттиримоқда.**

Ванкуверда у Миллий хоккей лигасининг матчи-  
да шайбани ташлаб берди. Бу, албатта, рамзий  
ҳакамлик. Лекин шундай бўлса-да, “Ванкувер қен-  
накс” билан “Сан-Хосе шаркс” жамоалари ҳақиқий  
ўйин ўйнади. Аслида бу баҳс турнр жадвалида кайд  
этимайди. Чунки ҳали чемпионат расман очилгани  
йўқ. Уни қиролича ташрифи шарафига уюшти-  
рилган ўртоқлик учрашуви дейиш мумкин.

Майдон марказига қиролича маҳсус тўшалган ги-  
лам устидан эҳтиётлик билан юриб етиб борди. Ань-  
анага кўра хоккей ишикбозлари ўзларининг севимли  
ўйинчиларини қарши олгандек, Елизавета IIни  
олқишилади. Барабанлар, сурнайлар чалинди, хок-  
кейчилар клюшка билан музни уриб турди.

Лекин башка томондан қироличага тенг келадиган-  
ни йўқ. Янги кемаларни тантанали равища сув-  
га тушириш, ёдгорлик тахталарини очиш, парадларни  
қабул қилиш каби тадбирлар борасида у анча  
катта тажриба ортириб, яхши кўнімалар хосил  
қилган. Лекин Канаданинг бош ўйини - хоккей билан у сира тўқнаш келмаган экан.

Ҳакамлар ёрдамини сўрашга тўғри келди. Кичик  
маслаҳатлашувдан кейин ниҳоят шайба муз  
устига ташланди. Аниқроғи, мутахассисларнинг  
сўзлари била айтганда, шайба муз устига охис-  
та қўйиб қўйилди.

Елизаветы II тахта ўтирганининг 50 йиллигига ба-  
шишланган тадбирлар давом этмоқда.

## КЎЗГА ҚУВВАТ

**Америкалик олимлар  
ёргулкни сезадиган компь-  
ютер чипини яратди. Уни  
кўрлар кўзига ўрнатиш мум-  
кин. Шунда кўриш қобилия-  
ти бирмунча тикланади.**

Олимларнинг мақсади кўзи  
ожизларга сал бўлса-да ёрдам  
беришдир. Чип ўрнатилган одам  
1000 дона майда электрод ёрда-  
мида ёргулкнинг 1000 нуктаси-  
ни кўра олади.

Қурликка олиб келадиган ай-  
рим касалликлар кўзининг ёргулкни  
электрик импульсга айланти-  
радиган қисмларини ишдан чиқа-  
ради. Лекин шундай бўлишига  
қарамай, импульснинг мияга етиб  
борадиган “йўли” ишдан чиқмайди.  
Олимларнинг янги қашфиёти  
ёргулкни электрик импульсга ай-  
лантириб, мияга юбориш имкони-  
ни яратади. Шунда кўриш қоби-  
лияти бирмунча яхшиланади.

“Мақсадимиз кўзи ожизлар  
ўқий олиши, уйда қоқилмай-су-  
рилмай ҳаракат қилиши, одий  
кундаклик юмушларни бажара  
олишини таъминлашдир”, дейди

лойиҳа раҳбари Курт Вессен-  
дорф. У АҚШнинг Sandia миллий  
лабораториясида ишлайди.

“Албатта, улар ҳозирча машина  
ҳайдай олмайди. Чунки нормал  
одамдек миллионлаб ёргулк нук-  
таси эмас, атиги минга нуқтани  
“илгай” олади. Тасвир бир оз секин  
пайдо бўлади ва одатдагидан сар-  
ғишроқ рангда бўлади. Лекин энг  
муҳими, кўзи ожизлар дунёни кўри-  
шидадир”, деб давом этади олим.

Фоя шундан иборатки, кўзий-  
накка митти камера ва радио-  
узақтик кўйилади. Кўз қорачиги-  
га ўрнатилған чип ўшалардан ах-  
борот ва энергия олади. Ўз нав-  
батида чип мияга импульс юбо-  
ради ва шундан кейин тасвир  
пайдо бўлади.

Хуллас, яқин орада беш киши опе-  
рация килинадиган бўлиб туриди.



## «ҚИЗИЛ КИТОБ» КЕНГАЙМОҚДА

**Олимларнинг фикрича, Марказий Осиё сайғоқлари,  
туялар ва Иберия силовсинлари ўқолиб кетиш арафаси-  
да турибди. Табиатни муҳофаза килиш ҳалқаро иттифоқи  
(IUCN) ўқолаётган ҳайвонлар ва қушларнинг янги рўйха-  
тини эълон қилди.**

Ҳозир унда 11 мингдан зиёд ёзув қайд этилган. Аввалги рўйхат  
икки йил аввал эълон қилинган эди. Шу вақт давомида йўқолган  
деб ҳисобланган бир ҳашарот ва бир кемириувчи янгидан топилди.  
Лекин 400 турдаги жонивор “Қизил китоб”га киритилди. Уларнинг  
124таси жуда хавфли категорияда турибди: критик хавф (CR), хавф  
(EN) ёки омон қолиши нимагадир бўғлиқ (VU).

Умуман IUCN маълумотларига кўра, ҳозирги кунда 11167 турда-  
ги жонивор бутунлай ўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Бу 2000

йилдаги 121тага кўп. Айни-  
са, Марказий Осиё чўл зоналарида  
яшовчи сайғоқлар жуда оғир аҳвозда.  
Уларнинг гўшти мазали, шохи чет  
элда қиммат, буннинг устига маҳал-  
лий ҳалқ табобатида кўп кўлланилади.

Шу боис сайғоқ оловчилар кўпа-  
йиб кетган. 1993

йили сайғоқлар 1 миллион бошдан зиёд эди. 2000 йилда 800 минга-  
таси қолди. Ҳозир эса 50 минг ҳам чиқмайди.

IUCN Бош директори Ахим Штайнернинг айтишича, вазият ўнглан-  
маса, 10-15 йилдан кейин битта ҳам сайғоқ қолмайди.

Бактрия туяси ҳам кўп овланади. У кам емиш ва сув талаб қила-  
ди. Аньянавий спортда ҳам кўп кўлланиади. Улар асосан Хитойда яшайди.  
Мамлакатда шахталар ва бошқа корхоналар кўлайши туяларни  
сиқиб қўймокда. Устига устак, “тежамлилиги” боис у уй туялари  
билин учритилмокда.

Иберия силовсини ундан ҳам ёмон аҳвозда. У сўнгги 2000 йил ичи-  
да илк бор ўқолиб кетган ёввойи мушук бўлиши мумкин. Ўн йил ав-  
вал бу жониворлар сони 1200га бораради. Ҳозир бунинг ярми қолган.



Бу мовий ўрдак ҳам жуда кам қолган.

## Саломатлик саҳиғаси

Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ  
Бир ботмон қандан ҳам, билгил, яхшироқ.  
Шакардан топади маза оғиз, тил,  
Кулгидан топади лаззат руҳу дил.  
Юзларинг буришик тун каби қаро,  
Тонгдек кул, йўқолсин ажин, можаро.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

# КУЛГИ – БАРДАМЛИК ГАРОВИ



Кулгининг фойдаси халқига мизга қадимдан маълум бўлиб, аждодларимиз тўйларда, турли тантанали маросимларда, хуллас, халқ йигилган жойларда асқия билан ҳаммани хурсанд қилганлар. Бутун вужуди билан сидқидилдан кулиш инсон организми учун худди сув ва ҳаво каби табиий заруратdir. Агар шодлик, вақтичолик бўлмаса, зеҳн ўтмаслашади. Ҳақиқий кулги олижанобликни, ақллилик ва гўзалликнинг ахлоқий кучини ифодалайди. Чиндан ҳам, одам юракдан ёзилиб кулса, соғлиғи яхшиланади, енгил торгади, руҳи тетиклашади, иштаҳаси очилади, умри узаяди. Машхур ўзбек асқиячиси, 90 йил яшаган отаҳонимиз Юсупжон қизиқ Шакаржонов: "Кулинг, кулги билан ҳам ҳавф тұғдирар экан".

— дўстлар, умрингиз узаяди!", — деб бежиз айтмаган. Кулги бутун организмга таъсир қилиб, унинг ҳәётий фаоллик даражаси (тонуси)ни кўтаради, кулгидан кишининг кайфияти яхшиланади, димоги чоғ бўлади.

Физиологларнинг илмий текширишларига қараганда кулги, хурсандчилик натижасида меъда ҳажми кичиклашиб, тўлқинсимон кенгайиш ва торайиш ҳаракатлари кучаяди, овқат тез ҳазм бўлади ва организмга яхши сингари. Олимларнинг таъкидлашича, кулги бошқа ҳамма қувончили ҳодисалар каби организмга, аввало бош мияга куч-куват беради. Чунки одам кулганда юз мушаклари қисқариб, томирлардаги қон равон ҳаракатларидан.

С. МУҲАММАДИЕВ,  
доцент.

## АРИ – МЕНДАН НАРИ!

Болалар атрофида айланишаётган арини кўриб чўчишса шу гапни тақрорлашга тушишади. Чўчишганича ҳам бор. Масалан, бир вақтнинг ўзида бешта асалари чақса, бола тугул катта одамга ҳам ҳавф тұғдирар экан.

Гап шундаки, унинг заҳри одам қони таркибидаги эритроцитларни парчалаб, буйракка салбий таъсир қўрсатар экан. Бунинг олдини олиш учун иложи борича тезроқ арининг нишини қисқич билан суғуриб ташлаш керак. Фақат эҳтиёт бўлинг, ниш охиридаги заҳар қопчасига тегиб кетманг.

Сўнг ари чақкан жойни атирга намланган латта билан артиб кўйинг. Оғриқни қолдириш учун ари чақкан жойга латтага ўралган муз парчаси босинг.

## ОЗДИРАМАН ДЕБ ЎЛДИРИШДИ

Ҳозир ким кўп – озиш ўйлени ўргатувчилар кўп. Улар орасида турли ҳаҷдориларни тавсия этувчи "табиблар" ҳам анча-мунча. Бундай дориларнинг фойдаси шубҳали, аммо айримларининг зарари исботланяпти.

Сингапур полицияси 43 ёшли аёлнинг ўлими билан боғлиқ ҳолатни текширияпти. Мархума оздирувчи дориларни ича бошлагач, жигари ишдан чиққан. Ўлими олдидан у "Мабодо мен ўладиган бўлсан ҳам, адолат тантана қилсин" деб ёзив қолдирган.

ги кислород ва озиқ моддаларга бой бўлган қон ҳаракати эса ўзгармайди. Натижада капиллярлар (қил томирлар)да босим ошади, бош мия қон билан яхши таъминланади. Энг муҳими, кулги мия қобигидаги импульслар ишини тезлаштиради, бу эса янги ахборотларни қабул қилиш ва уларни вақтида ўзлаштиришга ёрдам беради. Натижада мия чарчамайди, зўриқмайди.

Бундан ташқари, кулги ўпкада ҳаво алмашинувини ошириб, мия фаолиятини яхшилайди, кишининг меҳнат қобилиятини ошириб, қийинчиликларни енгизга ёрдам беради, иродани мустаҳкамлайди. Шунингдек, нафас олиш аъзолари фаоллашади. Чунки кулги чукур нафас олиш билан бошланади ва "ҳо, ҳо, ҳо" ёки "ҳа, ҳа, ҳа" деганда нафас бўлиб-бўлиб чиқарилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, кўкрак қафасининг кенгайиши, худди насос сингари, бошда ишланган қонни тортади ва вена томирларida қон босимини камайтиради. Аксинча, нафас чиқарганда босим ортади. Кулги эса бу ўзгаришларни фаоллаштириб, қон босимини яхшилайди, бошда қон босимини гоҳ ошириб, гоҳ тушириб туради, бошқача айтганда, мияни ўзига хос массаж қилади. Кишининг маза қилиб кулгандан кейин енгил тортиши, руҳи тетиклашишига сабаб ҳам шу бўлса керак.

Одамни завқ-шавқ билан кулдирадиган, унга руҳий озиқ берадиган воситалардан бери бадиий адабиётнинг оммавий сатира-юмор жанрлари бўлса, шу жанрлар ичидан асқия, Хўжа Насриддин, Алдар кўса тўғрисидаги ҳангомалар ўзига хос ўрин тутади. Буларнинг ҳаммаси кайфиятимизни кўтариб, саломатлигимизни мустаҳкамлайди.

С. МУҲАММАДИЕВ,  
доцент.



— Шахмат билан қачондан бери шуғулланасиз?

Шунингдек, сузиш мусобақасида ҳам жаҳон рекорди ўрнатилди. 200 метрга брасс усулида сузишда япониялик Косука Китаяма 2 дақиқа 09,97 сонига билан американлик Майк Барроуменнинг 1992 йили Барселона Олимпиадасида ўрнатган рекордини янгилади.

## ПОЙТАХТИЛЛАР ФОЛИБ

Куни кеча Тошкент шаҳар ИИББ хизматлари ходимлари орасида қўл жанг бўйича мусобақалар ўтказилди. Ўн иккиси орасида ўтган бу беллашувда ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг олти кишидан иборат жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбири миз.



ҮТГАН СОНДА  
БЕРИЛГАН  
КРОССВОРДНИНГ  
ЖАВОЛАРИ

**ЭНИГА:** 1. Кибор. 4. Музей. 7. Турина. 10. Банкнот. 11. Латофат. 12. Курка. 13. Нусха. 15. Аспор. 16. Босим. 18. Ажриқ. 20. Четан. 22. Лом. 23. Қавс. 24. Үтин. 25. Қор. 27. Қамал. 29. Норка. 30. "Инсон". 32. Атроф. 34. Масал. 36. Регар. 38. Она. 39. Нота. 40. Эман. 41. Ҳад. 43. Ахвол. 45. Ратин. 46. Асвон. 48. Мезон. 50. Чүмич. 52. Метан. 54. Сур. 55. "Халқ". 56. Илон. 57. Нон. 59. Аршин. 61. Майса. 62. Росси. 64. Тикан. 66. Арафа. 68. Сурон. 70. Мулкдор. 72. Ашрафий. 73. Радар. 74. Манти. 75. Банка.

**БХЙИГА:** 1. Кубок. 2. Банорас. 3. Ранда. 4. Метин. 5. Зар. 6. Йүлка. 7. "Татра". 8. Реферат. 9. Аттор. 14. Сурп. 16. Булоқ. 17. Мақол. 18. Алвон. 19. Қытъа. 20. Чанғи. 21. Норин. 26. Пресс. 28. Марка. 31. "Сегоҳ". 32. Алоқа. 33. Финал. 34. Мотор. 35. Лимон. 36. Рента. 37. Родон. 42. Атама. 44. Вазир. 47. Ватан. 48. Масса. 49. Нохин. 50. Чилим. 51. Чилла. 52. Минор. 53. Нанси. 58. Ойна. 60. Шоколад. 63. Сарифан. 64. Темир. 65. Нодир. 66. Ажрим. 67. Амаки. 68. "Сароб". 69. Найза. 71. Дон.

Түзувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

### Бу ажыб дунё

## «ОДИССЕЯ»НИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

Шу пайтгача "Илиада" ва "Одиссея" достонларининг муаллифи шоир Ҳомер деб ҳисобланарди. Аммо мутахассисларнинг айримлари мана қарийб уч минг йилки бунга шубҳа билан қараяптилар.

Масала Ҳомер шахси ҳақида маълумотларнинг камлиги туфайли янада чигаллашяпти. Аниги шуки, ҳар иккала достон ҳам бундан 2800 йил бурун яратилган ва оғиздан-оғизга ўтиб юрган. Орандан йиллар ўтиб достон-

лар юнон тилида қоғозга туширилган. Аммо ёзма матнининг аслиятга қанчалик яқинлиги номаълум.

Тадқиқотчилардан бири, математик Рикардо Мансилла "Илиада" ва "Одиссея"ни иккита юнон тилидаги матнини қиёслаб чиқди. У гарчи ҳар иккала достон асосан бир хил схема бўйича яратилган бўлса ҳам, аммо "Одиссея"да бу тартиб "Илиада"дагига қарагандада тез-тез бузилиб туришини аниқлади. "Шунинг учун ҳар иккя асарни бир киши яратганингига ишониш жуда қийин", – деди Рикардо Мансилла.

Хуллас, Мехико Сити (Мексико)даги Миллий мустақил университетнинг доктор Эдвард Буш раҳбарлиги остида ишлаган тадқиқотчилар гурухи "Илиада" билан "Одиссея"нинг муаллифлари бошқа-бошқа кишилар, деган холосага келди.

## ИККИ БОШЛИ ИЛОН

Испаниянинг Аликанте вилоятилик фермер ўз ерида иккя бошли "зинапоя" деб аталувчи илонни топиб олди. Жониворнинг бундай номланишига сабаб, бошидан думигача бутун

танаси кўндаланг йўллар билан қопланганлигидир. Бу илон заҳарсиз. Гарчи тутилган нускаси 25 см келса-да, табиятда бир ярим метрлилари ҳам учрайди.

Шу йил март ойидага фермер илонни Валенси универсitetining зоологик лабораториясига топширди. Аниқланишича, у 9 ойлик экан. Аммо жинси ҳозирча номаълум. "Ин"га ўрнатилган видеокамера илоннинг иккя тилини тўрт кўзининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, тасвирга тушириб турди. Ҳозирча унинг ҳар иккала боши ҳам бир-бираидан мустақил равишда бинойида ҳаракатланяп-

ти. Олимлар ҳар қайси бош алоҳида овқат ҳазм қилиш йўлига эгами ёки йўқлигини аниқлашга умид боғламоқдалар. Ҳозирча икковининг ҳам иштаҳаси карнай.

Табиятда қўш бошли илонлар унчалик ноёб эмас. Лекин уларнинг ёввойи табият шароитида ўртача қанча умр кўриши текширилмаган. Лабораторияларда улар йиллаб яшашади. Сан-Диего шаҳрида (АҚШнинг Калифорния штати) иккя бошли "маккажўхори" илонлари – Тельма ва Луиза ҳатто томошабинларга намойиш ҳам этилади.

«Милиция оқсоқоллари» танловига

# НАСИХАТАРИ

... Чиноз тумани ИИБ ДАН (хозирги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси) бошлиғи, милиция капитани Мирнельмат Мирпўлатов тонг оқарай деганда уйга қайтиди. Кўзи илиниб-илинмай телефон каттиқ жиринглади. Гўшакдан ҳаяжонли овоз эшилтиди:

— Ўртоқ бошлиқ, Олмазор ёнида, катта йўл бўйида мотоцикл ағдарилиб, икки йигит ўлиб ётиди...

Мирнельмат ака зудлик билан йўлга отланди. “Бир пас ҳам ухламадингиза, хеч бўлмаса бир пиёла чой ичиб кетинг”, – деди гирдикапалак бўлаётган умр йўлдоши Жўрахон опага “Кейин, онаси, кейин, сен чойингни ҳозирлаб туравергин”, – деди-ю, шошиб чиқиб кетди.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга етиб келишганда тонг отди. Воеа жойини кўздан кечираш эканлар:

— Мотоцикл юк машинаси, тўғриғори, юк кўтарувчи машина билан тўқнашган, – деди М. Мирпўлатов ишонч билан.

Зудлик билан “Кидирув” тадбири ишлаб чиқилди. Унга кўра фалокат жойидан қочиб кетганларни қидириб топишга М. Мирпўлатов бош-кош бўлди.


Тумандаги барча юк машиналари, юк кўтаргичлар синчиклаб кўздан кечирилди. Улардан гумон қилишга арзигулик далил топилмади.

— Балки бошқа русумдаги машина билан тўқнашув содир бўлгандир? – савол берди ёш ходимлардан бири.

— Йўк, факат юк машинаси ёки юк кўтаргич билан тўқнашган, – деди қаттий оҳангда Мирнельмат ака. – Манави, урилгандан қолган излар юк машинасининг олд қисмидаги бўрттик жой ёки юк кўтаргич “боғлаб” кўйил-

ган занжирдан қолган. Бошқа машинадан бундай из қолмайди. Туманимизда тўқнашув содир этган машина йўқ. Демак, уни шу йўлдан ўтган, вилоятдаги корхоналардан бирортаси га тегиши машина содир этган.

“Кидирув”, тадбири натижасида икки кунда очилган автофалокат айборлари ҳақиқатан ҳам вилоятдаги корхоналардан бирига тегиши юк кўтаргич машина эканлиги аниқланди. Лекин ҳайдовчи йигитлар тўқнашув ҳақида гапни қаттий рад этиб, “Сиз айтган кун биз Сирдарё вилоятида хизмат сафарида эдик” дедилар.



## ТИЛАОГА ТЕНГ

Юк кўтаргичнинг олд қисмини кўздан кечирган М. Мирпўлатов ҳайдовчилар ва эксперти ёнига чақириди.

— Манави майда кўк бўёқ зарралари мотоциклга урилгандан қолган, – дей изоҳ берди у. – Бу зарралар эса қон доғлари. Марҳамат, текшириб кўринглар...

Ҳайдовчи йигитлар ана шу ва бошқа рад қилиб бўлмас далиллар олдида бош этиб қолишиди.

— Йигирма етти йиллик иш фаолиятим даврида бундай воқеалар жуда кўп учраган, – дейди истеъфодаги милиция майори М. Мирпўлатов. – Тунни кунга улаб ишлардик. Ҳозиргидек замонавий техника асбоблари, транспорт воситалари жуда кам бўлиб, баъзан воқеа жойига етиб бориши мушкул эди.

Янгийўл туманидаги Ниёзбаш қишлоғида туғилиб, вояга етган Мирнельмат ака ички ишлар идораларидағи фаолиятини оддий ҳайдовчиликдан бошлаган. У Янгийўл

шаҳри ва тумани, Чиноз тумани ИИБ ДАН бўлинмаларида милиция майори даражасига етгунча амалга оширган ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирап экан, “Мени шу даражага етишимда умр йўлдошим Жўрахон аянгизнинг жуда катта ҳиссаси бор, – дейди фахр билан. – Ички ишлар ходимларининг беҳаловат хизмати ўзингизга маълум. Оиласидаги беш ўғил ва бир қизни камолга етказиб, оёққа турғазган Жўрахон аянгиз бўладилар”.

Дарҳақиқат, тиниб-тинчимас Жўрахон ая Мирнельмат аканинг хизмат пиллапояларидан кўтирилишида суюнчиқ бўлди. Оиласидан кўнгли тўқ ходим рафиқасининг уддабуронлиги, фарзандларини оқ ювиб, оқ тарашига ишонарди.

Беш ўғилнинг хаммаси олий маълумотли. Мирзараҳмат – милиция капитани, Мирҳаёт ва Миркамоллар милиция старшиналари. Улар ота касбини давом эттиришага.

– Отам бирорни бекорга ранжит-

майди, одамнинг феълига қараб муомала қилувчи камгап, камсуқум инсон, – дейди тўнғич ўғил Сайдакмал. – Онам ҳам ўта меҳрибон, талабчан, куйди-пишдилар. Чол-кампирнинг ҳозир айни фарзандлари роҳатини кўриб яшайдиган пайтлари. Лекин тинч ўтира олмайдилар. Мана шу кичкина ҳовлимизнинг бир қаричини бўш қолдирмай экин экишади, ҳаммамизни мева, сабзавот билан таъминлашади. Доим ҳаммамиздан хабар олиб, меҳнатга ўргатадилар.

Йигирмага яқин набиралар, беш келин ҳам насиҳатлари тиллога тенг кексалардан ибрат олишган. Ота-она миз бизга қўш-қўш машина, дангила маҳволи-жой қилиб беришмади, лекин бу нарсаларга меҳнат билан етишишини ўргатишиди. Улар бизнинг давлатимиз, ҳар қанча хизмат қилсан оз.

Сайдакмалнинг гапларини қайноналиридек чаққон ва саришта беш келин – Илмирахон, Дилфуз, Райно, Замира, Муҳайёлар тасдиқлаб, “Бахтимизга қайнона-қайнотамиз доим соғ, умрлари узоқ бўлсин”, – дейишади.

**З. МАНСУРОВА.**  
Суратда: истеъфодаги милиция майори М. Мирпўлатов оила аъзолари билан.

## МАВЗУЛАР РАНГ-БАРАНГ, АММО...

“Ҳошимжоннинг уйига ўғри тушибди...

Қишлоққа тез тарқалган бу ноҳуш хабар барчани сергаклантириди.

– Ҳошимжон билан хотини қачондан бўён ўғлини тўйига тайёргарлик кўришаётган эди, – деди Вафо ота афсус билан бош чайқаб. – Тўйига атаб олинган ун, гуруч, ёғ, ҳатто қоплардаги туршакларни куппа-кундузи олиб чиқиб кетишибди.

– Ноинсофлар ранги телевизор, видеомагнитофонни ҳам ўғиришган, – деди Ҳалимаҳон ая чолининг гапини маъқуллаб...

Жамоатчи мухбири миз З. Юнусованинг “Сергак набира” деб номланган мақолосидан олинган ушбу лавҳани бежиз келтирмадик. Ўзингиз кўриб турибисиз, мақола қизиқарли бошланган, эътиборни тортади. Воеа шу билан тугайдики, хонадон эгаси Эргашали аканинг набирави. Алижоннинг сергаклиги туфайли ўғрилар тез кунда топилади. Бу яхши, албатта. Аммо мақолада ўғирилик қаерда содир этилгани, жиноят қайси ички ишлар идораси ва кимлар томонидан очилгани тилга олинмаган. Шу боис ундан фойдалана олмадик.

Шундай фикри Самарқанд вилоятидан бизга тез-тез мактуб йўллаётган милиция майори А. Гуломовнинг “Хиёнат”, “Қадими Добусия” сарлавҳали ма-

қоллари хусусида ҳам айтиш мумкин. Таҳририята хат йўллаётган қалам соҳиблари аввало тайёрланаётган материалнинг жанри (мақола, ҳикоя, репортаж ва ҳоказо) ва тақдим этилган маълумотлар аниқ бўлишига аҳамият беришларини илтимос қўлардик.

Сентябрь ойида олинган хатлар таҳлил этилганда гиёҳвандлик моддлаларининг гайриқонуний айланishi билан боғлиқлари салмоқли эканлиги маълум бўлди. Муштарийларимиз аср ва боси, деб аталмиш бу иллатга бефарқ эмасликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Сурхондарё вилоятидан мактуб йўллаган милиция подполковники Ш. Тошпўлатов шундай ёзди: “Гиёҳвандлик. Биргина шу сўзни эшигтан ҳар қандай кишининг жисму жонига титроқ киради. Афсус-надоматлар бўлсинки, айрим нопок кимсалар учун навниҳол йигит-қизларимизнинг ҳалокатли умридан жон кўйитмай топиладиган бойлик афзал кўринмоқда...” Шундан сўнг муаллиф бир нечта мисоллар келтиради.

Яккабоғ тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси О. Умаров 21 ёшни қаршилаган Ж. Фарҳоднинг гиёҳфурушилк борасидаги ножӯй хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қўлса, ички хизмат катта лейтенанти Ф. Сатдуллаева Хоразм вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори” тадбири нати-

жалари тўғрисида сўз юритади. Милиция полковники М. Шамшиддинов эса Балиқчи, Хўжаобод. Избоскан туманлари ички ишлар ходимлари оғуфуршларга қандай тузоқ қўйишаётганини қаламга олган.

“Олов – тилсиз ёв”, деб бејиз айтишмаган. Кўлимизда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари фаолиятига оид мактублар ҳам талайгина. Уларнинг аксариятида ёнгинлар фуқароларнинг беларвонлиги, ёнгина хавфсизлиги қондаларига етарили даражада аҳамият берилмаётгани сабабли келиб чиқаётгани бा�эн этилган. Ички хизмат лейтенанти О. Шерматовнинг ёзишича, айнан лоқайдлик, масъулиятсизлик туфайли тунги соат 2.00да Сирғали тумани Гузар кўчасидаги улардан бирида ёнгина содир бўлган. Ички хизмат лейтенанти Ж. Мардонов Риштон тумани Хуррамобод қишлоғи, шунингдек Олтиарик тумани Оқ бўйра қишлоғида яшовчи айрим фуқароларнинг уйларида рўй берган баҳтисиз ҳодисаларни таҳлил қилишга ҳаракат қўлган. Ички хизмат капитани Б. Худойберганов эса кейиннинг пайтда Тошкент вилояти ИИБ ёнгина хавфсизлиги бошқармасида кўлга киритилаётган ютуқларга тўхталган.

Муштарийларимиздан келаётган хат-хабарларининг мавзуси ранг-баранг. Улар билан

танишиб, фуқароларнинг турмуш тарзи, ўй-ташвишлари ва муаммоларидан хабарор бўляймиз. Мактублардан сатрлар келтирамиз.

“Автофалокатга учраб, қалсанда бўлиб қолдим. Ўмр йўлдошим ногирон. Ўзимиз яшаётган маҳалладан мөддий ёрдам олаётмиз. Аммо бир оз қийинчилек сезилмоқда. Оиласизга ҳомийлик қиладиган саҳоватли инсонлар топилса яхши бўларди.


**Хурмат билан Термиз туманилик А. АННАМИРЗАЕВ.**

“Тарихий ҳужжатларни кўздан кечираётганимда биринчи йўлчироқ 1868 йили Лондонда, инглиз парламенти биноси ёнига ўрнатилганинг гувоҳи бўлдим. Уни Жонсон Найт исмли темир ўйл мұхандиси ихтиро қилган экан.

**С. ОЛЛОЁРОВ,**  
Хива шаҳридаги архив бошлиги”.

“Сирдарёлик Дилемурод қишлоқ худудидан ўтган симёғочларга ҳаракат қилиб, электр симларни кеса бошлади. Фарҳод эса уларни ўраб мотоцикл қажавасига солаверди. Шу пайт худудни айланниб юрган милиция катта лейтенантлари М. Ширинбоеев ва К. Мисировлар “шоввоздарни кесиб улгурган, пархи 518946 сўмлик 1050 метр электр

### Хатлар таҳлили



симлари Мехнатобод тумани электр тармоқлари идорасига топширилди.

**К. АЛЛАШЕВ,**  
милиция капитани”.

Биз шунингдек, Қизириқ туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Ш. Мустафоқулов, Сурхондарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, милиция подполковники О. Жабборов, Андикон вилоятидан милиция подполковники Б. Аҳмадохунов, Тошкент тумани “Гултепа” маҳалласида яшовчи Р. Раҳмонов, Тошкент шаҳри С. Раҳимов тумани “Сарбон оқтепа” маҳалласидан М. Сидикова, Хўжаобод тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи катта инспектори, милиция майори Ё. Бозоров, Андикон Далат университети ҳуқук-иқтисод факультети 3-босқич талабаси С. Мамадиев, тошкентлик З. Исроилова ва бошқалардан ҳам турли мазмунда хат-хабарлар олдик. Аммо айрим жузъий камчиликлари борлиги сабабли улардан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Бунинг учун узр сўраган ҳолда муштарийлардан пишиқ-пухта ва қизиқарли мақолалар кутиб қоламиз.

**Хатлар бўлими.**



## ГЕНЕРАЛНИ ХОТИРЛАБ

**Якнда мархум милиция генерал-майори Гуломжон Зокиров номидаги Республика хукукий лицейида тантана бўлиб ўтди. Мархум милиция генерал-майори Гуломжон Зокиров таваллуд топганинг 80 йиллигига бағишланган бу галги тадбирга Республикаизнинг деярли ҳамма вилоятларидан лицей талабаларининг отоналари, яқинлари, ички ишлар идоралари ходимлари, ҳоқимлик вакиллари ташриф буюриши.**

Дастлаб лицей ўқитувчisi, катта лейтенант F. Исломов F. Зокировнинг таржими ҳолини ўқиб эшилтириди. Шундан сўнг сўзга чиқсан Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ масъул ходими, милиция подполковниги Б. Пўлатов генерал хотирасини ёдга олиб, унинг эл-юрт олдидағи хизматлари тўғрисида гапирди, лицейнинг хукуқшunos кадрлар етиширишдаги хизматлари хусусида тўхтади.

— Ички ишлар вазирлигининг бевосида ёрдамида лицей маъмурияти, зобит ва ўқитувчilarи хизматчilarининг ташкилотчилиги билан уштирилган бугунги

тантана, — деди Фаргона вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Абдулаев, — Гуломжон Зокировнинг хотирасига ҳурмат, аждодлар аньналарига садоқат намунасирид. Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари Гуломжон Зокировнинг хукуқ-тартибот идоралари фолиятини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамоат тартибини саклаш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши ку-

раш йўлидаги бөқиёс хизматларини яхши эслайдилар. Биз Гуломжон Зокировдай забардаст, элларвэр инсоннинг издошлари эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тантанада Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари А. Исмоилов, F. Зокировнинг ўғли — ИИБ Академияси курс бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Б. Зокиров сўзга чиқиб, лицейга эсадалик совфаларини топширилар.

Милиция подполковниги Б. Зокиров мана шундай ажойиб тадбирни ташкил этиб, отасининг руҳини шод этганилklari учун Республика Ички ишлар вазирлиги, Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти, Республика хукукий лицейи маъмурлиги чукур миннатдорчилик билдириди, билим даргоҳининг энг аълочи ва намунали ўқувчиларига F. Зокиров номидаги стипендияларни топшириди.

Тадбир қатнашчилари мархум милиция генерал-майори F. Зокиров хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар кўйдилар. Шундан сўнг лицейнинг бу йил қабул қилинган ўқувчилари тантанали равишда қасамёд қабул қилидилар.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,**  
милиция капитани.

**Суратда: тадбирдан лавҳа.**

## Ибрат

# САМИМИЙ МИННАТДОРМИЗ

Шу йил сентябр ва октябр ойлари оиласиз учун бир умр эсда қоладиган давр бўлиб қолади, деб ўйлайман. Зеро, 20 сентябр куни кўп йиллар Республика ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган мархум милиция генерал-майори, падари бузрукворимиз Гуломжон Зокиров таваллуд топган куннинг 80 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби, шахсан вазиримиз, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов ташаббуси билан талайгина тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган Майрифат дарси ўз вақтида ушбу вилоят ИИБда бошлиқ бўлиб ишлаган дада-

мизнинг сўнмас хотирасига бағишиланди. Фарғонада эса у киши номидаги Республика касб-маҳорат хукукий лицейида тантанали маросим ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда иштирок этиб, дадамнинг Ватан, эл олдидағи хизматлари қай даражада улуғланганинг гувоҳи бўлдим.

Маросимлар юқори савияда ўтишига бош-қош бўлиб, падари бузрукворимиз руҳини шод этган Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Тошкент ва Фарғона вилояти ИИБ раҳбарлари, Республика касб-маҳорат хукукий лицейи жамоати оиласиз, шахсан ўз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Хурмат ва эҳтиром билан,

**Бахтиёр ЗОКИРОВ,**  
милиция подполковниги.



## ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг спорт мажмусида мархум милиция генерал-майори Гулом Зокиров хотирасига бағишлиланган футбол турнири бўлиб ўтди.

Ўта қизиқарли ва кескин курашларга бой бўлган беллашувлар 5 октябр куни якунланди. Ушбу баҳсада ИИБ ШТБИХ жамоаси голиб бўлди ва бош совринни қўлга киртиди.

Учинчи ва тўртинчи ўринлар мосравида вилоят ИИБ ИХХБ ҳамда Олмалиқ шаҳар ўқув маркази жамоаларига насиб этиди.

Шунингдек, турнирнинг энг яхши ўйинчилари ҳам аниқланниб, улар кимматбаҳо совфалар билан тақдирландилар.

Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Ф. Тангибоев ва F. Зокировнинг оила аъзолари турнир иштирокчилари ва меҳмонларида чин дилдан миннатдорчилик билдирилар.

Ўз мухбirimiz.

**Суратда: вилоят ИИБ ШТБИХ жамоа аъзоси, милиция катта лейтенанти Fiёс Сирожиддинов.**

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ...

**Савол:** — Менинг отам 1984 йилда Фарғона шаҳар ҳалқ судшининг ҳукмига биноан Ўзбекистон ССР ЖКнинг 177-моддаси 2 қисми билан айборд деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Унга нисбатан Ўзбекистон ССР ЖКнинг 232-моддаси қўйланилаб, ушбу ҳукм 3 йил муддатга шартли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган ва шунча муддатга мажбурий меҳнатга жалб этилиб, иккى йил савдо соҳасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Отам қачондан бошлаб судланмаган ҳисобланади ва у билан боғлиқ чекловлар тугатилади?

**Р. БОТИРОВ.**  
Фарғона шаҳри.

**Жавоб:** — Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида қилинганинг жинойлигини, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

77-моддасига мувофиқ судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳукукий ҳолатидир. Мазкур муддата суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланиши, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганлигини олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳукукий оқибатлари бекор қилинади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси орқали собиқ Ўзбекистон ССР ЖКнинг 53-моддаси 2-бандига асосан яни “Озодликдан маҳрум этишга шартли равиша ҳукм қилиниб, меҳнатга мажбурий жалб этилган шахслар бу муддатда янги жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этиш жойларига жўнатилмаган бўлса судланмаган деб ҳисобланиши” кўрсатилган.

Юқорида байён қилинганларга кўра, отангиз суднинг маҳсус қарори қабул қилинмаса-да, 1987 йил март ойидан бўён судланмаган деб ҳисобланади ва судланганлигининг барча ҳукукий оқибати ва бу билан боғлиқ чекловлар бекор қилинган.

**Савол:** — Менинг озодликдан маҳрум бўлган қўшимчим ўтган иили ўйига қайтиб келди ва илгарига раҳбарлик лавозимига тикланди. Судланган шахс яна бошлиқ бўлиб ишлаши тўғрими?

**И. Б.**  
Тошкент шаҳри.

**Жавоб:** — Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-45-моддаларида суд ҳукми билан шахс муайян ҳукуқдан маълум муддатга, яни корхона, ташкилот ва муассасаларда у ёки бу мансабни эгаллашини, ёхуд бирор бир фаолият билан шуғулланишини тақиқлаши назарда тутилган.

Муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида тайинланганда бир йилдан беш йилгача, қўшимча жазо сифатида эса бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга белгиланиши кўрсатилган.

Муайян фаолият билан шуғулланиши ҳукуқидан маҳрум қилиш, маҳ-

кумга ҳукмда кўрсатилган муддатда унинг жинояти билан боғлиқ фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат.

Мансабни эгаллаш ёхуд бирор фаолият билан шуғулланишининг тақиқлаши хўжалик тизимида ишлаш ҳукуқидан маҳрум этмайди. Агар бу жазо қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, муддатидан илгари озод этилиши мумкин.

**Савол:** — Болаларни гўдаклигидан парваришлаган вақт онанинг иш стажига шу даврда ишлаган бўлсагина қўшиладими?

**Н. БОБОЖНОВА,**  
үй бекаси.

**Жавоб:** — Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия тайминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси “Ж” бандига кўра пенсия тайинлаш учун иш стажига онанинг болани гўдаклигидан парваришлаган вақти (боқиб олган бола учун ҳам) унинг шу даврда ишлаган ёки ишлаганлигидан қатъи назар қўшилади.

**Саволларга жавобларни ҳукуқшunos Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Акс-садо

# СИЗ БАХТИЁР ОНА БЎЛАСИЗ

**"Постда" газетасининг шу йил 12 сентябрь сонида босилган "Ўгай она ҳам она" сарлавҳали мақолани ўқиб, шундай таъсирланимки, кўзларимдан беихтиёр ёш чиқиб кетди. Сабаби, худди шундай воқеа менинг ҳам содир бўлиб ўтган...**

Биринчи турмуш ўртоғим билан олти йил ширин ҳаёт кечирдик. Оллоҳ таоло бизга кетма-кет икки қиз ва бир ўғил ҳада қилди. Аммо вақт ўтиши билан умр йўлдошим менингит касаллигининг оғир тури билан касалланиб ётиб қолди.

Болаларимизнинг каттаси беш, ўртанчаси уч, кичиги эса бир ярим ўнда онасидан жудо бўлди. Уларнинг тарбиясини ўз онамидан сўнг бизга оналик қилган Салима опага ва синглимга топширидик.

Орадан икки йил ўтди. Ўтган давр ичидан болаларга машъум

воқеа ҳақида ҳеч нарсани билдиримдик.

Менинг ниятим уларга ўгайликни билдиримдиган она тошиш эди. Мен шундай онани уч ярим йил мобайнинг изладим ва ниҳоят мақсадимга етдим:

Иккинчи умр йўлдошим билан қишлоғимизга кириб келдик. Қишлоққа киравериша, кўчада ўйнаб юрган бир гуруҳ болалардан уч нафари биз томонга югуриб келаверди. Қарасам икки қизим ва ўғлим чопқиллаб келмоқдалар. Болаларнинг каттароги мен билан кўришатуриб: "Дада! Онамни касалхона-

дан олиб келдингизми? Энди бормайдиларми? Тузалиб келдиларми?" – деб мени саволга кўмид ташлади. Бир вақт қарасам, ўртанча қизим ва ўғлим онасини қучоқлаб олган, она йўлнинг ўртасида чўккараб олиб бир-бирини қучоқлаганича бараварига йиглашиб, она-болалар савол-жавоб қилиб турибидилар. Катта қизим ҳам онасига отилди...

Ҳозир биз болаларимиз билан бахти ҳаёт кечирмоқдамиз. Улар "ўгай она" деган сўзни эшитмасдан, ўқсимиш ўслилар. Уччовлари ҳам уйли-жойли, бола-чақали.

Олий маълумот әгаси. Набираваримиз ҳам бирин-кетин олий маълумот олмоқдалар.

Юқорида ёзилганларга асосланниб шуни айтмоқчиманки, ҳеч бир инсон ўз онаси ёки отасидан акралмасин. Мабодо, тақдир туфайли шундай воқеа юз берса болаларга кейинги она, ота бўладиган кишиларга Оллоҳ инсоғ берсин. Зубайда ҳақ гапни ёзган. У ҳақиқий виждонли ва раҳимдил, ғамхўр, болажон аёл экан.

Зубайда, асло ўқсинманг. Сиз ҳақиқий синовдан ўтдингиз. Беш болангиз сизни ойижон деб йўлдан қайтардими, чиндан ҳам болажон онализ.

Кулиб боқадиган бахтингиз олдинда. Шундай кунларни кўрасизки, келинлар атрофинингизда парвона бўладилар. Невараларингиз, эвараларингиз "бувижон, бувижон!" деб бир-бира гиб навбат бермай сизни ўз кошонларига меҳмонга чақиришади. Асло кам бўлманг, синглим!

**У. АХМЕДОВ,**  
Жарқўргон шаҳри.

**Жалолқудук тумани ИИБ томонидан қўйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганини учун**

## КИДИРИЛМОҚДА



**Алимжан Райимжонович ХАДЖАЕВ.** 1963 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Ойим қишлоғи К. Турдиев кўчаси 39-ййда яшаган.



**Эркин Ваҳобжонович АБДУСАБУРОВ.** 1975 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Ойим қишлоғи Иттифоқ кўчаси 97-ййда яшаган.



**Шавкатжон Солиевич РЕЖАПОВ.** 1960 йилда туғилган. Жалолқудук тумани "Қатортол" жамоа хўжалигига яшаган.



**Икром Мухитдинович ЗУЛУНОВ.** 1964 йилда туғилган. Андикон шаҳри Баҳромов кўчаси 16-ййда яшаган.



**Аҳмад Эргашевич АБДУРОДИРОВ.** 1975 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Ойим қишлоғи Кутқар кўчаси 38-ййда яшаган.



**Бахтиёргон Ўрмонович ЮСУПОВ.** 1974 йилда туғилган Жалолқудук тумани Куртки жамоа хўжалигига яшаган.

Ибрат



## ТАРБИЯ ЎЧОГИ

Яқинда Урганч туманинаги "Фойбу" қишлоғи замонавий милиция таянч пункти фойдаланишга топширилди. Тўплантнлар бу ерда яратилган шароит билан яқиндан танишдилар. Барча қуайликларга эга бўлган маскан ҳамда мўъжазгина кутубхона барчада катта таассурут қолдирди.

– Ишга туширилаётган милиция таянч пунктилари ҳалқ осоиишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш учун хизмат қиласи, – деди вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковники Б. Сидиков. – Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноят содир бўлишининг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ўчоғи ҳамдир.

Маросимда туман ҳокими Р. Заирхонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Х. ЖАББОРОВ.**

Суратда: маросимдан лавҳа.

**Ж. ҚОЗОҚ** олган сурат.

Огоҳлик-давр талаби

## ЙЎЛАКДАГИ «УЧРАШУВ»

... Тунги соат 3.30. Тошкент шаҳар ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси милиционерлари, милиция сержантлари Л. Худойбердиев, З. Маҳмудов гуруҳ сардори, милиция катта лейтенанти М. Комилов ва Юнусобод тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Х. Курбоновлар ҳудудларини кўздан кечириб юришибди.

– Анави машина шупайдада нима қилиб турибди? – йигитлар йўл четида, қоронгуда турган оқрангли, "ВАЗ-2108" русумли автомобилга яқинлашиши.

– Ҳужжатларингизни кўрсан бўладими? – мурожа қилишиб улар ҳайдовчига.

– Мен оддий киракашман, – шошиб жавоб берди ҳайдовчи. – Йўловчилаrimни кутиб ўтирибман. Улар анави йўлакка кириб кетиши.

Л. Худойбердиев ҳайдовчи кўрсантан жойга қараб, унинг эшиклиари очиқлиги, қаватлар ёритилмаганлигидан

шубҳаланди. У шерилларини машина ёнида қолдириб, йўлакка яқинлашиди. Кўл чироқни ёқиб, шундек рўпарасида ўзига қараб турган икки йигитга кўзи тушди.

– Кимсизлар? Бу ерда нима қиляпизлар? – сўради у.

– Бир қизни қидириб келгандик, – улардан бирни шоша-пиша жавоб берди.

– Ярим тунда-я? Яна ким бор бу ерда?

– Ҳеч ким. Ўзимиз холос. Л. Худойбердиев уларни олиб бориб, машинага чиқарди. Қайтиб йўлакка кирди ва атрофи ёритиб, синчиллаб кўздан кечириди. Унинг кўзи бир четда ётган параболик антеннининг қимматбаҳо қисмiga тушди. У қайтиб чиқиб:

– Антenna қисмини ким ўйрлади? – деб сўради.

– Мен, – деди йигитлардан бирни.

– Қани юр, "ўлжа"нгни о!

Ҳушёр ходимлар тунги "овчи"лар В. Дмитрий ва Х. Жамшидин туман ИИБга олиб келишганда тонг оқара бошлаганди.

– Юқоридагига ўхшаш ўғриликларнинг содир бўлишига айрим фуқароларнинг лоқайдилги сабаб,

– Ассалому алейкум, –

эрталаб йўлакка кириб келётган профилактика инспектори Х. Курбоновга дуч келган Галия опа (исми ўзгартирилган) шошилиб саломлашиди.

– Телевизор кўрсатмай қолган экан, чордоқча чиқиб қарасам, антеннанинг эҳтиёт қисми йўқ...

– Хабарим бор, – уни юпатди профилактика инспектори.

– Эҳтиёт қисм ички ишлар бошқармасида. Сизга маълум қилгани келганди...

– Хизматимиз давомида бундай воқеалар учраб туради,

– дейди гуруҳ сардори М. Комилов, – йигитларини касб маҳоратлари боис юз берган ҳуқуқбузарлар жуда қисқа муддатда очилди. Юқорида баён этилган воқеа бунинг исботидир.

**С. ХАЛИЛОВ.**

**Шокир (исмлар**

**ўзгартирилган) асли**

**урганчлик. Ўйланган.**

**Бир-биридан ширин уч нафар фарзандларнинг отаси. Топар-тутаридан шукр қилса арзийдиган бу йигит пулни деб орномусини унутди.**

**Йигитлик шаънига доф туширди.**

Шахардаги корхоналардан бирида навбатчилик қилаётган Шокир ташқари эшикни кимdir тақиллатаётганини эшитиб қолди. У эшикни очиши билан таниши Косимбой ва унинг ёнида турган аёлга кўзи тушди. Салом-аликдан сўнг дўсти гап бошлади:

– Бу аёлнинг исми Саломатхон. Дунё ташвишларидан бир зумгина холи бўлиш ниятида олдингга келгандик.

## түзижи

## «Ошиқ» пир

– Қанақа бўларкин? – Шокир тусмоллаб дўстининг чўнгагига кўз ташлади.

– Тунда бу ерга бегоналарнинг кириши мумкин эмас.

– Биз бегона эмасмиз, – деди Косимбой аёлнинг елқасидан кучиб.

– Сенга ишониб келдик. Йўқ дема, рози қиласи.

– Косимбой шундай дея чўнгагидан пул чиқарди, Шокирнинг кафтига урди. У ҳам шуни кутиб тургандек ён-атрофга кўз ташлади-да:

– Майли, киринглар, – деди. – Аммо айтиб кўйяй, кўп қолиб кетмайсизлар.

Шокир тунги "ошиқ"лардан тушган пулни санаб кўрди. Қани энди шундай

мўмай даромад тез-тез келиб турса, кўнглидан ўтказди у.

Хаёлан бойлик уммонига шўнғиган Шокир оstonада пайдо бўлган милиция ходимларини пайқамай қолди. Тоғни талқон қилишга куни етадиган Шокир милиция ходимларининг саволларига жавоб беролмай, тилини тишлади. Аниқроғи, эр йигит бўла туриб, ишрат қилишга шароит яратиб берганлигини рўйрост айтишга ор қилди. Косимбой ва унинг тунги маъшуқаси Саломатхоннинг эса бир зумлик "муҳаббати" барҳам топди...

**Х. ЖАББОРОВ.**

**Қосимжон Муқумжонович АБДУКАРИМОВ.** 1972 йилда туғилган. Андикон шаҳри Мирпўстин кўчаси 143-йи, 31-хонаонда яшаган.

**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан Жалолқудук тумани ИИБ ёки яқин орадаги милиция идорасига хабар қилишларини сўраймиз.**



## МЕРГАНЛИК СИНОВИ

**Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат тайёргарлигини яхшилаш омилларидан бирин – уларни жанговар куролдан нишонга аник текказишга ўргатиш хисобланади. Шу боис назарий билимлар билан бирга амалий кўнкимлар ҳам берилади.**

Яқинда республика ИИБ марказий аппарати бўлинмалари ходимлари учун ана шу мақсадда мерганлик синови ташкил этилди. Ташкилотчиларнинг фикрича, барча иштирокчилар ўз билим ва маҳоратини намойиш этиб, олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли уddaлашди.

Ўз мухбиришимиз.

# СОДИҚҚУЛНИНГ СОДИҚЛИГИ

(Хажвия)

Эрининг бозордан мол ўрнига кўчкор олиб келганини кўрган хотиннинг фифони фалакка кўтарилиди.

– Буни ўн йил боқсангиз ҳам хўкиз бўлмайди. Қани хўкиз?

– Ўчир овозингни, – бақириди эр ва кўчкорни қозикка боғлаб, юз-кўлини ювиб, сўрига ёнбошлади, мўйловини обдон силаб давом этди. – Ўзингга маълум, яқинда хўжалигимизга янги раис келди. Шу ёшули кўчкорга қизиқар экан. Аниқроғи, кўчкорбоз эканлар. Давраларда ўтириб қолсак, кўчкор ҳақида гап кетганида мен жим ўтирам қандай бўлади? Аралашиб, қўшилиб юрсам, ёшуллига ёқсан албатта ҳаққи-пойими олиб юраман-да, хотин.

– Қанчага олдингиз? – секин сўради хотини.

– Беш юз деб турган экан, авраб-алдаб тўрт юз саксон минг сўмга кўндиридим, – бамайлихотир жавоб берди эр.

– Воой-дод, – чоён чақандай бирдан қаттиқ бақириб юборди хотини. – Ёшулига содик бўлмай ўлинг. Шу пулга қорамол олиб келганингизда эртага қизинингизнинг тўйида аскотарди. Бу ёқда ўғлингизнинг контракти ҳам келиб турибди. Энди уни қандай тўлаймиз. Сал кам ярим миллионга қўзи олганингизни эшитса одамлар устингиздан қаҳ-қаҳа, отиб кулишади.

– Кўзи эмас, кўчкор бу, – бақириди эр. – Унинг лақаби “До-кирди эр.” – Унинг лақаби “До-

вул”. Эгасининг айтишича, уни нафақат туман, вилоят, балки бутун республикада танишаркан. Доим бош совринни оларкан.

Юртимизда нима кўп, байрамлар кўп. Бизнинг кўчкоримиз голиб чиқиб, бош совринни кўлга киритса борми, бир зумда ёшуллининг назарига тушаман. Ана ундан кейин ошиғимиз олчи бўлади хотинжон.

– Қанчага ёшули келиб кетди. Уларга содик бўламан, ёқаман деб сочинизни олиб кал бўлиб юрдингиз. Бошқаси келиб, қорин кўйдингиз. Яна бирида эса аччиқ қалампирга ўргандингиз. Кейнингисида пияниста бўлиб кетишинингизга сал қолувди, – деди тўнгиллаб хотини.

– Ота-онам исиммни Содиккул деб бежиз кўйишмаган. Исимм ҳам жисмимга монанд. Шунинг орқасидан бинойидек оиласидан бўлиб келаямман. Ё мендан недовольний бўлсанг айт. Шу кўчкорни ҳам сенларни ўйлаб олдим. Эртага ёшуллининг назарига тушсан, кўчкорни унга тортиқ қилсан, ҳеч шубҳа йўқки болаларимизга томорка ери оламиз. Оқ мой, кунжара ва бошқа нарсаларни ҳам бемалол сўраб олаверамиз, – деди Содиккул хотинига ўз ревасини босиқлик билан тушунтириб.

– Билганингизни қилинг, – деб хотини зарда билан ошхонани кириб кетди. Содиккул эса чойни шопи-

риб, ширин хаёлларга берилиб, шошмасдан иди. Мириқиб дам олгач, ўрнидан туриб секин кўчкор ёнига борди. Ўнг кўлини секин чўзиб уни ҳужумга чорлади. Лекин кўчкор кўзини сузиб тураверди. “Балки у дўлпига ташлар” – деган хаёл билан дўпписини ечиб, кўлига тутди-да кўчкорга қаради. Кўчкор ҳуркиб, қозикни биринки айланди ва тўхтаб, олдинги оёқларини ерга икки-уч марта уриб кўйди. “Жаҳли чиқаётпи, демак уришади. Ҳа, топдим у баллонга қалла ташлайди”. Шуни ўйлаб Содиккул тезда мотоциклининг бир гилдрагини ечиб олди-да, уни кўчкор томон думалатиб юборди. Жонивор кўрқанидан ипини узишга сал қолди. Ҳансира бир бурчакка тиқилди.

– Мени алдашибди, – чинқириб юборди Содиккул. – Уни калла ташлашга мажбур этаман. Мени чув туширадиган фирибгар ҳали онасидан туғлганни йўқ.

Шундай деб, Содиккул дўпписини ечиб, бошяланг чўккалаб кўчкор томон эмаклади. Кутилмаганда кўчкор ҳам бирдан олдинга қараб интилди. Қа-аа-рсс... Содиккулнинг кўз олдида бир боғ пичан лов этиб ёнгандай бўлди.

Молларни сугоришга чиқсан хотини эрининг бехуш ётганини кўрдио, додлаб юборди...

Д. ХУДОЙШУКОРОВ.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir  
Shuhrat  
MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinosari v.b.  
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib  
R. BERDIYEV  
Navbatchi:  
S. SHAMSIDDINOV  
Musahihilar:  
M. AKRAMOVA  
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:  
Z. BOLTAYEV

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88  
muxbirlar  
bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari  
bo'yicha murojaat uchun  
faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyavli tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. Hisob raqami:  
20210000700447980001, MFO 00421.

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'satish shart  
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.


Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yhatga olingan Buyurtma Г – 945. Hajmi – 4 bosma taboq. Bosilish – ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqt – 19.00.  
Bosishga topshirildi – 19.00.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda – 180  
Tashkilotlar uchun – 366

40.805 nusxada chop etildi.  
«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.  
1, 2, 3, 4, 5, 6.



ГАЗЕТАМИНИНГ 39-СОНИДА ЗЫЛОН ҚИЛИНГАН «ИБРАТЛИ ҲИКМАТ»

БОШҚОТИРМАСИННИГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Ҳумо. 2. Осиё. 3. Стул. 4. Соат. 5. Одам. 6. Асар. 7. Турп. 8. Оҳак. 9. Абад. 10. Дарс. 11. Ютуқ. 12. Кимё. 13. Ижод. 14. Тонг. 15. Иниш. 16. Дойл. 17. Узук. 18. Қуёш. 19. Ёғду. 20. Хива. 21. Удум. 22. Синф. 23. Арча.

Қуюқ чизиқлар орасига олинган иккинчи доирадаги ҳикмат:

УСТОД СУҲБАТИ – ЖОН ОЗИФИДИР.

Тузувчи: Ф. АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлаги, милиция майори Нурмамат ЭРНАЗАРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма катта инспектори, милиция майори М. Умзоқовга онаси РИХСИ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ППХ ва ЖТСБ милиционери, милиция катта сержантни Рамеш САИДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖК ва ТҶКБ бошлигининг биринчи ўринбосари А. Ниёзметовга онаси БОНУ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.